

---

## ТУРКИЯДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН ИСЛОМ БИРДАМЛИГИ ЎЙИНЛАРИДА ФАРҒОНАЛИК СПОРТЧИЛАР 3 ТА КУМУШ ВА 1 ТА БРОНЗА МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТИШДИ

Туркиянинг Конья шаҳрида бўлиб ўтаётган V Ислом бирдамлиги ўйинларида кеча ва бугунги беллашувлар фарғоналик спортчилар учун муваффақиятли кечди.

Кеча спорт гимнастикаси баҳсларида кўпкураш бўйича жамоавий дастурда ўтказилган беллашувларда Ўзбекистон терма жамоамиз муваффақиятли иштирок этди. Фарғоналик гимнастикачилар Расулжон Абдурахимов ва Ҳабибулло Эргашев, жамоадошлари Абдулла Азимов билан бирга кумуш медалларни қўлга киритдилар.

Парасузиш баҳсларида эса Бахтиёр Ортиқов 50 метрга чалқанча усулда сузиш беллашувида кумуш медалга сазовор бўлди.

Бугун эса ёш таэквондочимиз Зухра Тожиматова 46 кг. гача бўлган вазнда бронза медалини қўлга киритди.

V Ислом бирдамлиги ўйинлари 56 та мамлакатдан 4200 нафарга яқин спортчи иштирокида бўлиб ўтаётган катта спорт мусобақаси бўлиб, унда Ўзбекистон терма жамоаси 265 нафар спортчи билан иштирок этмоқда. Ислом бирдамлиги ўйинлари 18 августгача давом этади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-11 20:53:26